



# САЙЛОВ ХАЛҚАРО НОРМАЛАРГА МОС ЎТДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

**Офтоб ҚОЗИЙ, Жон Хопкинс университетининг Марказий Осиё ва Кавказ институти тадқиқотчиси (АҚШ):** — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини диққат билан кузатдим. Бухоро шаҳридаги 25-сайлов участкасида сайлов якунлари бўйича бюллетенларни санада шахсан иштирок этдим. Айни пайтда, Тошкент ва Бухоро шаҳарларидаги сайлов участкалари бўлиб, сайлов жараёнидаги ташкилий ишлар билан яқиндан танишдим. Сайловчиларнинг фаол иштирокини таъминлаш мақсадида сайлов участкаларида барча қулай шарт-шароит яратилганини гувоҳи бўлдим.

Кўрганларимнинг хулосаси сифатида алоҳида таъкидламоқчиманки, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови барча демократик тамойиллар асосида, очик ва ошкора тарзда ўтди. Сайлов фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилган демократик тамойилларнинг амалдаги яна бир ифодаси бўлди.

Ўзбекистон Президенти сайловида оид барча қонулар халқаро меъёрларга мос келиши билан бир қаторда бошқа мамлакатларнинг мазкур йўналишдаги ҳуқуқий ҳужжатларидан мукамаллиги билан алоҳида ажралиб туради.

Шу ўринда баъзи халқаро ташкилотлар вакиллари Ўзбекистонда амалга оширилаётган демократик ислохотлар бераётган юксак самараларни қўриб-қўрмасликка олаётганини, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида бевосита иштирок этмасдан, уни кузатмасдан сайлов жараёнидаги атайлаб нотўри таъкид қилишга уринаётганини катта афсус билан қайд этмоқчиман. Бундай нохотлик, гирромлик ҳеч қандай одоб ва сиёсий маданиятга тўғри келмайди.

Демократиянинг барча давлатларда жорий этилиши лозим бўлган универсал модели йўли. Сайлов тизими халқнинг манфаати, маданияти, аънава ва урф-одатлари, мамлакатнинг жуғрофий жойлашуви, тарихий шариоитини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилади. Шу маънода Ўзбекистоннинг сайлов тизими барча жиҳатдан мукамалдир. Баъзи мамлакатларда сайлов жараёнида ўтказиладиган зулмуслик намойишлар, пикетлар, тўполонлар ва тартибсизликлар халқнинг тинчлигига, мамлакатнинг ривож-ию осойишталигига путур етказди, холос. Мутахассис сифатида бундай ҳолатлар демократиянинг халқаро меъёрларига асло тўғри келмаслигини алоҳида таъкидламоқчиман. Ўзбекистон Президенти сайлови тизимида халқаро андозалар ва демократик давлатларнинг илгор таърибаси, халқнинг анъанавий қадрияти ва қарашлари тўлиқ ахс этирилгани билан ҳам диққатга сазовордир.

**Владимир ЧУРОВ, Россия Федерацияси Марказий сайлов комиссияси раиси:**

— Ўзбекистон фуқаролари Президент сайловида фаол иштирок эътиборининг гувоҳи бўлдим. Бу уларнинг мамлакат келажигига бефарқ эмаслигидан, аксинча, ўзини Ватан равақи ва халқ фаровонлиги масаласига дахлдор сезишдан далолатдир. Президентлик номзодларнинг сайловдаги ташвиқоти ва дастури билан сайловчилар кенг таништирилгани эътиборга молик. Мутахассис сифатида шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, демократик тамойилларга асосланган сайлов ҳудуд-беҳудда намойишлар, митинглар ўтказиш, тартибсизлик келтириб чиқариш, дегани эмас.

Демократик давлат қуриш, ҳуқуқий жамият барпо этиш йўлидан дадил оқимлаётган Ўзбекистонда сайлов жараёнида сайловчиларнинг яширин овоз бериш ҳуқуқлари тўла таъминланаётгани тасдиқланаётган. Ҳаж сафарига йўл олган беш мингга яқин сайловчи мuddатидан олдин овоз бергани уларнинг конституцион ҳуқуқини таъминлаш йўлида яратилган имконият бўлиб, бу халқаро андозаларга тўла мос келади.

Ўзбекистонда Президент сайлови жараёнида кузатиш билан бирга, Ўзбекистонлик ҳамкасбларин билан таъриба алмашиш имконига эга бўлганимдан мамнунман. Бир қатор сайлов участкаларини кузатишларим натижасида Ўзбекистонда Президент сайловига тайёргарлик борасида ўрнатилган асосий қўлаб қўйилган ўнрақлар билан бир қаторда сайловчилар ва кузатувчилар учун яратилган қулайликлар, жумладан, зарур ускуналар билан жиҳозланган тиббиёт, она ва бола хоналари ҳамда бошқа шарт-шароит бунга ёрдам берди. Бундай юксак савиядаги ташкилий ишларни ҳеч бир мамлакатда учратмаган эдим.

**Сюй ТАО, Хитой Халқ Республикаси халқаро алоқалар институти Марказий Осиё бўлимининг мудири:**

— Эрта тонгда Тошкент шаҳридаги 257-сайлов участкасига келганимда, у ер сайловчилар билан гавжум ақанглининг гувоҳи бўлдим. Сайловчилар учун яратилган кенг ва қулай шарт-шароит, улардаги тартиб, хайрихоҳлик ва ҳушмуомалалик менга маъқул бўлди.

Мен мамлакатингизга илгари ҳам бир неча маротаба келганман. Ўзбекистонда исчилик билан олиб борилаётган ислохот-

ларнинг юксак самаралари ҳамда сайлов қонучилиги билан яқиндан танишман. Шу боис, овоз бериш ҳуқуқи 18 ёшдан белгиланганини тўғри, деб ҳисоблайман. Чунки бу ёшда шахсда атроф-муҳит, жамият ва одамларга нисбатан мустақил фикр шаклланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови очик ва ошкора, кўп тартибийлик ва альтернатив асосида ўтаётганини, номзодлар ўртасида соғлом рақобат муҳити, тенглик яратилганини алоҳида таъкидламоқчиман. Мазкур сайлов юртингизда демократик тамойилларга тўлиқ амал қилинаётганини яна бир бор намойён этмоқда.

**Салем ал-Ажилий ал-ҲАВНИЙ, Ислон Конференцияси Ташкилоти Бош котибининг ўринбосари:**

— Ўзбекистон Президенти сайловини кузатиш доирасида Тошкент, Бухоро вилоятлари ҳамда пойтахтингизда ташкил этилган сайлов участкалари фаолияти билан танишдим. Олти нафардан иборат кузатувчиларимиз ҳамма жойда сайлов очик, ошкора, ҳалол ва ҳаққоний ўтаётганига гувоҳ бўлганини алоҳида таъкидламоқчиман.

Сайловда бир нафардан ортик номзоднинг иштироки этиши демократиянинг муҳим талабларидандир. Ўзбекистонда ўтган Президент сайловида тўрт нафар номзод иштирок этганининг ўзиёқ бу тамойилга қатъий амал қилинганини кўрсатиб турибди.

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини, ҳатто, улар мамлакатдан ташқарида юрган бўлса ҳам, таъминлаш демократиянинг

## Сўз — халқаро кузатувчиларга

муҳим шартларидандир. Шу маънода Ўзбекистон Республикасининг ҳорижий давлатлардаги ваколатхоналарида сайлов участкалари тўлиқиб, чет эллардаги фуқароларингизнинг овоз бериш ҳуқуқи таъмин этилганига тасдиқ топди.

Муқаддас ҳаж зиёратига йўл олган беш минг фуқарога олдиндан овоз бериши учун яшаш жойларидан зарур шароит яратилгани ҳам инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг амалдаги ёрқин ифодасидир. Миллий қадриятларингизга ва умумбўлиқ тамойилларга тўла мос келадиган бундай қонулар ва демократик сиёсат халқингизнинг, мамлакатингизнинг ёруғ истиқболни учун хизмат қилиши шубҳасиз.

Сайлов Ўзбекистон халқининг сиёсий ва ҳуқуқий савияси қанчалик юқори эканини жаҳон жамоатчилиги олдида яққол намойён этди.

**Витторо ДЖОРДЖИ, "Евроюрист Италия" ҳамда "Италия-Ўзбекистон" дўстлик ва ҳамкорлик уюшмалари аъзоси:**

— Мустақил Марказий сайлов комиссияси фаолияти билан танишдим. Ўзбекистоннинг сайлов жараёнида бундай таърибасини юқори баҳолайман. Айниқса, Президент бевосита фуқаролар томонидан сайловнинг демократиянинг катта ютуғидир. Италияда Президент Парламент томонидан сайланади. Мамлакатингизда сайлов ёшига етган барча фуқаролар — миллиати, жинси, тили, дини, ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар — тенг ҳуқуқлик асосида давлат раҳбарини сайлаши муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистондаги сайлов тизими халқаро нормаларга тўла жавоб беради. Президентликка номзодлар орасида аёл номзоднинг борлиги мамлакатингизда аёлларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари нечоғли ҳимояда эканини билдирди. Бу Европанинг айрим мамлакатлари учун ҳам ўрганас арийдиган ҳолатдир.

**Борис ҚАНДОВ, АҚШ ва Канададаги Бухоро яхудийлари конгресси ва маркази президенти:**

— Мустақил кузатувчи сифатида Бухоро шаҳридаги 21-сайлов участкасида бораётган жараён билан танишдим. Бу ерда сайловчиларнинг сиёсий таъдбирга фаол жалб қилиш учун яхши тайёргарлик қўрилгани менда катта таассурот қолдирди. Участкалар қонунийлик талаблари асосида жиҳозланган. Номзодларнинг таржимаи ҳолилари ва дастурлари ўзбек ва рус тилларида чоп этилгани диққатга молик. Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови уюшқоқлик билан ўтмоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, шу жаннатмонанд заминда туғилуб ўсган ва бугун АҚШ ва Канадада яшаётган бухоролик яхудийлар Ўзбекистон эришадиган ютуқларин хайрихоҳлик билан кузатиб бораётганини, мамлакатингиз демократия йўлидан дадил бориб, янада ривожланишига ишонч билан қараётганини таъкидламоқчиман.

**Хосеп ПИКЕ, "Вуалинк" авиакомпанияси президенти (Испания):**

— Ўзбек халқининг меҳмондўстлиги, баргирекнг ва меҳр-оқибатлиги мени хайратда қолдирди. Қўлаб мамлакатларга борган бўлсам-да, бундай ширинсўзли инсонларни ҳам учратганман.

Юртингизда ҳукм сураётган тинч, осуда ҳаётга, фаровон турмуш тарзига ҳавасим келди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ўрнатилган асосий равишда — халқаро меъёрларга тўла мос ҳолда ўтмоқда. Юртингизнинг оммавий ахборот воситалари сайлов қандай ўтаётганини батафсил ёритиб бормоқда. Ўзбекистоннинг сайлов тўғрисидаги қонулар билан яқиндан танишдим. Таъкидлаш жоизки, ушбу ҳужжатлар мукамал ишланган. Демократик жамиятни шакллантириш жараёнида ҳар бир мамлакат халқининг урф-одат ва аънавалари, турмуш тарзи, маънавий қадриятлари, тарихи ва менталитетини ҳисобга олиб иш юритиши зарур. Ўзбекистонда ўтаётган Президент сайлови айнан шу жиҳатларни ўзида қамраб олгани билан ҳам ажралиб туради. Баъзи мамлакатларда сайлов жараёнида бўлиб ўтадиган турли намойишлар, митинглар халқнинг тинч ҳаётига салбий таъсир этиши мумкин. Менимча, сайловлар худди Ўзбекистондагидек эркин, адолатли, очик ва ошкора, бартариб ва осойишта ўтиши лозим.

**Болат НУРГАЛИЕВ, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Бош котиб:**

— Ўзбекистон ШХТ аъзоси, бу мамлакатдаги демократик жараёнлар бизни албатта қизиқтиради.

Сайловлар қонун талаблари асосида ўтаётганини гувоҳ бўлиб турибмиз. Сайлов участкалари комиссиялари аъзолари билан сўхбатлашдик, улар ўз ишларини яхши биларкан. Бу тибри яхши ўтказиш учун муҳим жиҳат. Сиёсий партияларнинг жойлардаги кузатувчилари билан гаплашдим, улар овоз бериш қонун-қоида асосида ўтаётганини, эътирозга сабаб бўладиган ҳолатлар йўқлигини айтишди.

Сайловда барча аҳоли табақалари, айниқса, ёшлар фаолиги кўзга ташланиб турибди.

**Фаҳад ал-МЕКРАД, Араб очик университетининг улуслик таълим бўйича бош директори (Қувайт):**

— Қўпгина мамлакатлар сайловларида кузатувчи сифатида иштирок этганман. Ўзбекистонда ўтаётган Президент сайлови менда катта таассурот қолдирмоқда. Номзодлар ва уларнинг дастури, сайлов кампаниясининг оммавий ахборот ва кўргазма-мағли ташвиқот воситалари орқали кенг ёритилиши юқори савияда ташкил этилган.

Сайлов участкалари фаолияти билан танишиш асносида яна бир жиҳат эътиборимни тортиди. Келиш имконига эга бўлмаган кишиларнинг уйига махсус кўчма қўтилар олиб борилад экан. Бу эса ўзбек халқига ҳос бўлган инсонпарварлик ва баргирекликнинг, сайлов тизимингиздаги тенг ҳуқуқликнинг яна бир ифодасидир.

Айни пайтда беш минг нафарга яқин ўзбекистонлик фуқаро муқаддас ҳаж амалларини адо этишадиган экан. Улар ҳаж сафарини арафасида, мuddатидан олдин овоз беришганини эшитдим. Бу ўрганас арийдиган таъриба экан. Ўзбекистонда ҳар бир фуқаро ўз ҳуқуқидан фойдаланиши, ушбу муҳим сиёсий жараёнда фаол иштирок этиши учун барча шароит ва қулайликлар яратилгани тасдиқланади.

**Муҳаммад САЛОМА, Миср Араб Республикаси «ал-Масойий» газетаси бош муҳаррири ўринбосари:**

— Мен мамлакатингизда бўлиб ўтган илгариги сайловда ҳам кузатувчи сифатида иштирок этган эдим. Бугун Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини кузатиб амин бўлдимки, мамлакатда миллий сайлов тизими муттақил тақриблилашиб бормоқда. Аҳолининг сиёсий жараёнларда фаолиги ошиб бораётгани яққол кўзга ташланади. Бундай натижаларга эришишда оммавий ахборот воситаларининг ҳиссаси катта бўлганини эътироф этиш жоиз.

Зеро, мазкур сиёсий таъдбирга тайёргарлик жараёнини ёритиш ва номзодларнинг дастурларида илгари сурилган йўналишларнинг мазмун-моҳиятини аҳолига етказишда мамлакатингиздаги барча вақтли нашрлар, телевидение, радио ва Интернет тармоғи имкониятидан оқилона фойдаланилган. Оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда барча номзодларга тенг шароит яратилган.

Марказий сайлов комиссияси маълумотларига кўра, номзодлар ва уларнинг ишончли вакиллари жойларда сайловчилар билан беш юздан зиёд учрашув ўтказган. Учрашувларнинг кўпчилиги вилоятлар, хусусан, қишлоқларда ўтгани ҳам эътиборга моликдир. Ушбу факт ва рақамлар замирида сайлов кампаниясини очик, ошкора ва демократик тамойиллари асосида ўтказишга бўлган интилиш муккасамдир. Яратилган ана шундай қулай имкониятлар тўғрисида сайловчилар ушбу сиёсий таъдбирда уюшқоқлик билан фаол иштирок этдилар. Сайловни ташкил этиш ва ўтказишда маҳалла институтининг ўрни ва роли алоҳида сезилиб турибди.

(ЎЗА).

(Давоми. Боши 1-бетда).

Миссия таркибида МДҲга аъзо давлатлар ихроия ва сайлов органларидан, шунингдек, ЕврАзЭС ва МДХ Ихроия қўмитасидан 79 нафар халқаро кузатувчи рўйхатга олинган. Сайлов жараёни кузатиш ишлари 10 декабрдан бошланган. Тошкентда Миссия штаби, Бухоро, Самарқанд ва Фарғонада унинг бўлимлари ташкил этилди. Сайлов кампанияси мониторингини давомида кузатув-

Ҳужжатда барча даражадаги сайлов комиссияларининг фаолияти очик ва ошкора ташкил этилгани қайд этилган. Марказий ва округ сайлов комиссиялари мажлисларида оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳам иштирок этди. Сайлов кампанияси давомида Марказий сайлов комиссияси томонидан Ўзбекистон ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида 50 га яқин таъдир — брифинглар, матбуот анжу-

## МДХ Кузатувчилари миссияси:

# САЙЛОВ ЎЗБЕКИСТОНДА ИЖТИМОЙ ҲАЁТНИ ЯНАДА ДЕМОКРАТЛАШТИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИГА АЙЛАНДИ

чилар Андижон, Бухоро, Жиззах, Самарқанд, Тошкент, Фарғона вилоятлари ва Тошкент шаҳрида 1207 та сайлов участкасида, шу жумладан овоз бериш кўни 703 та сайлов участкасида бўлди.

Баёнотда Ўзбекистонда Президент сайлови ва овоз беришга тайёргарлик қилиши халқаро ва ички кузатиш учун зарур ҳуқуқий ҳамда ташкилий-техник шароитлар яратилгани қайд этилган. МДХ Халқаро кузатувчилари сайлов жараёнини тартибга солуви ҳужжатлардан фойдаланиш, Президентликка номзодларнинг сайловдаги дастурлари раҳбарлари ва сайловчилар билан учрашиш, барча участка ва округ сайлов комиссияларига бориш ҳамда зарур ахборотларни олиш имконига эга бўлди. Кузатувчилар Марказий сайлов комиссияси билан ҳамкорликда иш юритди ва Президентликка номзодларнинг сайловчилар билан учрашувларида иштирок этди. Сайловни ташкил этишда иштирок этган барча тўлимлар кузатувчиларга ўз вазифасини бажаришда ҳар томонлама ёрдам кўрсатди.

Баёнотда МДХ Кузатувчилари миссияси экспертлари ўзлари ўтказган таҳлилларни ҳисобга олган ҳолда, миллий сайлов қонучилигида фуқароларнинг сайлов ҳуқуқи ва эркинликларини таъминлаш, ушбу ҳужжатда сайлов ўзбекистонда ижтимоий ҳаётни янада демократлаштириш ва давлатни барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг муҳим омилига айлангани эътироф этилган.

(ЎЗА).

## ШХТ Кузатувчилари миссияси:

# САЙЛОВ ҚОНУНИЙ, ЭРКИН ВА ОШКОРА ЎТДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

ларни ўз дастурлари билан таништириш учун тенг имкониятга эга бўлди.

Кузатувчилар ўз фаолияти давомида Президентликка номзодларнинг сайловдаги штаблари раҳбарлари билан учрашди, Бухоро, Тошкент ва Когон шаҳарларидаги округ ва участка сайлов комиссияларида сайловга қандай тайёргарлик қўрилгани билан танишди.

Миссия вакиллари бир қанча сайлов участкаларида бўлиб, уларда овоз бериш ва овозларни санаб чиқишни ҳам кузатди. Миссия баёнотда овоз беришни ташкил этиш ва ўтказиш Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида" ва "Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги қонуларига тўла мувофиқ тарзда сайловчиларнинг эркин хоши-ирода билдиришини таъминлайдиган амалий, тинч ҳамда пухта ташкил этилган шароитда амалга оширилгани таъкидланган.

Миссия ташриф буюрган сайлов участкаларида Ўзбекистоннинг сиёсий партиялари, сайловчилар ташаббускор гуруҳи ва бошқа жамоат бирлешмаларидан кузатувчилар ҳам

бор эди. Баёнотда сайлов жараёни давомида ушбу кузатувчилардан Миссия вакилларига ҳеч қандай шикоят ва танқидий фикрлар билдирилгани қайд этилган. Бундан ташқари, ушбу ҳужжатда овозларни санаб чиқишда Миссия вакиллари томонидан "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонун талаблари бузилган ҳолатлар аниқлангани айтилган.

ШХТ Кузатувчилари миссияси баёнотида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлов қонунчилиги ва халқаро сайлов стандартларига тўла мос келиши таъкидланган.

Матбуот анжуманида ШХТ Кузатувчилари миссияси аъзолари, ШХТ Котибияти маслаҳатчилари С. Трепачёв ва Цзи Яньи ҳам иштирок этди.

Матбуот анжуманида иштирок этган журналистлар Ўзбекистон Республикаси сайловда ШХТ Кузатувчилари миссиясининг ишлари натижалари бўйича ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

(ЎЗА).

## ЮРТДОШЛАРИМИЗ ҲАЖ ЗИЁРАТИДАН ҚАЙТМОҚДА

**Мустақиллик шарофати билан миллий урф-одат ва аънаваларимиз, диний қадриятларимиз қайта тикланди. Юртдошларимиз ислом динининг барча арконларини, жумладан, ҳаж амалларини эмин-эркин адо этиш имконига эга бўлдилар.**

**Юртимиздан ҳаж зиёратига йўл олган ватандошларимизнинг дастлабки гуруҳи Саудия Арабистонидан Тошкентга қайтиб келди.**

— Истиқлол йилларида 70 минг нафардан кўпроқ ватандошимиз муборак ҳаж зиёратига бориб келишга мурассар бўлди. — дейди Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Усмоноҳон Алимов. — Жорий йил ҳам беш минг нафарга яқин ҳамюртимиз муборак сафарга йўл олди. Давлатимиз томонидан уларга барча зарур шарт-шароит яратиб берилди. Бунинг учун давлатимиз раҳбари Ислон Каримовдан бағоят миннатдорим.

Бу йил мусулмонларнинг муқаддас ҳаж зиёрати Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови кампанияси билан бир вақтга тўғри келди. Шу боис, муқаддас сафарга йўл олаётган ҳамюртларимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланган сайлов ҳуқуқидан фойдаланиши учун уларга олдиндан овоз бериш имконияти яратилди.

— Мен ҳаж сафарига кетишдан олдин сайлов қонучилигини таъминлаш имкониятидан фойдаланиб, ўзим муносиб топган номзод учун яширин равишда овоз бер-



## ЧОРВОҚ НУРЧИЛАРИ

Кейинги йилларда ҳукуматимиз томонидан бошқа соҳалар қатори электротехника тармоғи ривожига катта эътибор қаратишмоқда. Бу саъй-ҳаракатлар самараси ўларок, ҳозирга келиб мамлакатимизда электр қуввати ишлаб чиқариш ҳажми ўтган асрнинг 80-йилларига нисбатан 3 баробар ортди. Хусусан, мавжуд 39 та электр станцияси томонидан 55 млрд. кВт. соат электр қуввати ишлаб чиқарилмоқда. Эътиборлиси, бугунга келиб, Ўзбекистон Марказий Осиё давлатлари ора-

сида электр қуввати ишлаб чиқариш бўйича етакчига айланди. Шу билан бирга, истеъмолчиларнинг электр қувватидан оқилона фойдаланиши, шунингдек, энергия манбаларини тежовчи асос-ускуналарни амалиётга татбиқ этиш борасида ҳам муайян ишлар олиб боришмоқда. Хусусан, "Ўзбекэнерго" давлат акциядорлик компанияси тизимдаги қорхоналарда электр қувватидан фойдаланишнинг ҳисоб-китоб ва назорат қилиш мақсадида салкам 100 минг дена электр ҳисоблагичлар ўрнатилди.

Таъкидлаш жоизки, Чорвоқ ГЭСи мамлакатимиздаги етакчи қорхоналардан бири ҳисобланади. Бу ерда ҳам ишлаб чиқариладиган электр қувватини тежаш ва ундан самарали фойдаланиш борасида амалий ишлар олиб боришмоқда. СУРАТДА: Чорвоқ ГЭСи марказий бошқарув пулти операторлари С. Агишев ва Э. Кўчаров иш устида. Э. БОТИРОВ олган сурат.


Холмурод САЛИМОВ, ЎЗА муҳбири.

ЖАҲОН 24 соат ичида

«Тунгурауа» фаоллашди

Экватордаги «Тунгурауа» вулкони сўнгги икки кунда фаоллашди.

Вулкон яқинида жойлашган Пелине шаҳри раҳбариятининг қайта этишича, мингдан зиёд аҳоли хавфсиз жойларга кўчирилган. Мамлакат пойтахти Кито шаҳридан 180 километр узоқликдаги мазкур худудда кейинги икки кунда 100 мартадан кўпроқ ер силкиниши кузатишди.



Лодда ҳолат эълон қилди. Фуқаро муҳофаази кучлари жанговар ҳолатга келтирилган.

Вазирлик баёноти

Туркия ҳарбий ҳаво кучлари самолётлари Ироқ шимолидаги Кандиль тизма тоғларига ракета-бомба ҳужуми уюштирдилар. Бу ҳақда курд бирлашган ҳарбий бўлиналари раҳбари Жаббар Явернинг гапига асосланиб, «ИТАР» хабар тарқатди.

Жаббар Явернинг таъкидлашича, Туркия ҳарбий ҳаво кучлари шанба кuni Ироқ шимолида жойлашган Курд ишчи партияси ўрнашган биноларга ҳам ҳужум қилган.

Туркия ҳарбий вазирлиги томонидан тарқатилган баёнотда, курд куролли кучларини йўқ қилишга қаратилган бундай ҳужумлар яна давом этиши таъкидланган.

Қалин қор оқибати

АҚШнинг шимоли-шарқий ва марказий туманларида яна қалин қор ёғди. Электр линияларининг узил-кечиши оқибатида ўн минглаб хонадонлар электр энергиясиз қолди. «ВВС» хабарига қараганда, йўллардаги муз туфайли кўплаб автохалокатлар рўй бермоқда. Кuni кеча шундай ҳалокат оқибатида Миннесота ва Вайоминг штатларида 3 нафардан, Техас,



Канзас ҳамда Висконсинда 1 нафар йўловчи ҳалок бўлган. Техасда бир йўла 50 автомобиль тўқнашиб кетган.

Террорнинг касофати

Покистоннинг Сват водийсидаги Мингор шаҳри яқинида террори камикдазе ҳарбий машиналар сафи атрафида ўзини-ўзин портлатиб юбориши оқибатида тўрт аскар ва беш нафар тинч аҳоли вакили ҳалок бўлди.

«Reuters» хабарига айтилишича, сўнгги бир неча ой ичида Покистонда 400 нафардан ортиқ киши террор қурбонига айланган.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Кўнгилини обод этиш бахти

Бўқалик Й. Мелихўжаевнинг хонадони яшаш учун яроқсиз ҳолга келиб қолганди. Ана шундай бир вазиятда туман ижтимоий таъминот бўлими ходимлари эски иморат ўрнида янги уй тикланишига бош-қош бўлдилар. Шунингдек, яқка-ёлғиз отахону онахонлардан яна тўрт нафарининг турар-жойини хомийлар иштирокида таъмирлаб бердилар. Қирққа яқин фуқаронинг қай бирларига ногиронлар аравачаси, кўлиқтаёқ ва ҳассалар, эшитиш мосламалари олишда, қай бирларига уйига бепул телефон туширишда, протез кўйдиришда ёрдамлашдилар.

Етмишдан зиёд уруш ва меҳнат фахрийсининг сийдатҳолларда беминнат даволанишлари учун жон кўйдирдилар. Узағлар парваришига мўтож 35 нафар ногиронга беш нафар ходимани бириктириб, барчасини доимий равишда саккиз тур озиқ-овқат маҳсулотлари билан бепул таъминлашни йўлга қўйдилар.

Эзгуликка интилишда Тошкент тумани ижтимоий таъминот бўлими ходимлари ҳам бўқалик ҳамкасбларидан ортда қолмадилар. Улар ўзлари ишлаётган бўлим қошида реабилитация анжомларини ижарага берувчи алоҳида шохбча очилди. Тиббиёт-меҳнат экспертиза комиссияси эса шу худудда яшовчи ногиронлардан қариб олтмиш нафарига текин ёки импелзли нархларда таянч-ҳаракат ва эшитиш воситалари, махсус оёқ кийим, протез ва корсет (бедамча-қулоб)лар, 34 кишига реабилитация марказида даволаниш учун йўланмалар ажратилишига эришдилар.

Олмаликда эса шаҳар ички ишлар бўлими ходимлари юзга яқин иккинчи ҳажон уруши қатнашчиларидан олти нафарини ўз васийликларига олиб, уларга шахсий маблағлари ҳисобидан ойма-ой дори-дармонлар ва кундалик рўзгор учун зарур маҳсулотлар этказиб бермоқдалар. «Олмалик кон-металлургия комбинати» очик акциядорлик бирлашмаси «Ижтимоий химоя йили» Давлат дастури доирасида эзгу мақсадлар учун саккиз ой ичида 4 миллиард сўм сарфлади. Бу маблағлар эвазига қисқа фурсатда 540 ўринли янги маиший хизмат касб-хуна коллежи қад ростлади. Бирлашма тасарруфидоги болалар боғчалари зарур тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Ен-атрофдаги қишлоқлар тоза ичимлик суви билан таъминланиб, қатор обихабт тармоқлари қайта тикланди. Ун олти ёшгача бўлган болаликдан ногиронларга, уларнинг парвариши билан машғул мурабийларни моддий рағбат-

ри билан шуғулланиш вазифаси юкланди. Натихаси чакки бўлмади. Кенгаш сай-ҳаракатлари туфайли йил бошидан буён юздан зиёд фахрий қорхона про-филакторийида бепул даволанди, бир нечаси Бўстонлик тумандаги «Соёлик» сийхатҳода дам олди. Шунингдек, Самарқанд, Бўхоро, Марғилон сингари тарихий шаҳарларимизни зиёрат қилиб қайтишди. Тоби қонган тўқсондан зиёд отахону онахонга, жумладан, уруш қатнашчиларига 50 минг сўмдан, 170 нафар меҳнат фахрийси, «чернобилчи» ва байналмилал жангчи 30 минг сўмдан моддий ёрдам берилди.

Меҳр-муруват уруғи билан йўрилган ишлар металлургия шаҳри — Бекободда ҳам ҳар дамидан авж олди. «Узмет-комбинат» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси оталигидаги 17 та мактаб ва 3 та тиббиёт муассасасини, 24 та турархोजи биносини, Зафар қўрғончасидаги сил касалликлари диспансерини ҳамда «Ўзбекистон» ва «Деҳқонобод» фермер хўжалиқлари уюшмалари худудидоги қишлоқ врачлик пунктларини тўлиқ таъмирдан чиқарди. Ўз навбатида, кам таъминланган оилаларга ва ёлғиз яшайдиганларга 24 миллион сўм ажратди, элликта оиланинг табиий газ ва электр энергия ҳақини тўлаб берди. Шунингдек, икки қаватли эски болалар боғчаси биносини тўздан қайта қуриб, 84 кишига мулкаланган «Саховат уйи»га айлантирилди. Унда умртузаронлик қилувчиларининг озиқ-овқат таъминотини, даволаниш ва коммунал хизматлар харажатларини ўз зиммасига олди. «Бекободцемент» акциядорлик жамияти жамоаси ҳам шу йўсинда иш тўтиб, бугунга қадар кўплаб ҳожатмандлар эҳтиёжини қондирди, болалар боғчалари ва мактабларининг замонавий услубда чиroy очишига ҳисса қўшди.

Албатта, юқоридоғига ўйшаш мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Бундан қатъи назар, хулоса битта: эзгу амаллар одамлар қалбида эзгу туйғулар ниш уришига, ҳамюртларимиз ўртасида меҳр-оқибат ва ҳамжихатликнинг муштақамланишига, пировард-натихада эл-юртимизнинг гуллаб-яшнашига хизмат қилаётди. Давлатимиз раҳбари Конституцияимизнинг 15 йиллигига бағишланган тантанавидоги маърузасида Алишер Навоий бобомизнинг «Кўнгли ярим бир инсоннинг дардига ҳамдард бўлиш, унинг руҳини кўтариш бамисоли бугун ҳажонни обод қилиш билан баробардир», деган ҳикматларини тилга олдилар. Юқоридоғига қайта эътибор ташкилотлар ва олихиммат инсонлар ана шундай эътирофга муносибдилар.

Абдунаби ҲАЙДАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ФУҚАРОЛАРНИНГ БАНКЛАРДАГИ ОМОНАТЛАРИНИ КАФОЛАТЛАШ ФОНДИ ХАБАРИ

ФУҚАРОЛАРНИНГ БАНКЛАРДАГИ ОМОНАТЛАРИНИ КАФОЛАТЛАШ ФОНДИ РЕЕСТРИ ҲИСОБИДА ТУРУВЧИ БАНКЛАР РЎЙХАТИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

- 1. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки.
2. «Асака» давлат-акциядорлик тижорат банки.
3. Ўзбекистон акциядорлик тижорат саноат-қурилиш банки.
4. «Ипотекабанк» акциядорлик тижорат ипотека банки.
5. Акциядорлик тижорат «Пахта банк».
6. Республика акциядорлик тижорат банки «Галлабанк».
7. Акциядорлик тижорат «Турон» банки.
8. «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банки.
9. Ўзбекистон-Германия «Савдогар» акциядорлик тижорат банки.
10. Акциядорлик-тижорат «Алоқабанк».
11. «Ипак йўли» акциядорлик инновация тижорат банки.
12. «Ҳамкорбанк» очик акциядорлик тижорат банки.
13. «Капитал банк» акциядорлик тижорат банки.
14. «Кредит-Стандарт» очик акциядорлик тижорат банки.
15. «Трастбанк» хусусий очик акциядорлик биржа банки.
16. «Парвина-банк» хусусий ёпиқ акциядорлик тижорат банки.
17. «Алп Жамол банк» хусусий очик акциядорлик тижорат банки.
18. «Туркистон» хусусий очик акциядорлик тижорат инвестиция банки.
19. «Давр-банк» хусусий ёпиқ акциядорлик тижорат банки.
20. «Уктамбанк» хусусий очик акциядорлик тижорат банки.
21. «Самарқанд» хусусий ёпиқ акциядорлик тижорат банки.
22. «Универсал банк» хусусий очик акциядорлик тижорат банки.
23. «Равнақ-банк» хусусий очик акциядорлик тижорат банки.
24. «ЎзҚДБ банк» ёпиқ акциядорлик жамияти.
25. Ўзбек-Турк қўшма банки «УТ-банк».
26. «АБН АМРО банк Ўзбекистон МБ, ХХ».
27. Эрон «Содерот» банкнинг Ўзбекистон Республикаси Тошкент шаҳридаги шўъба банки.

Ушбу банклардаги аҳолининг омонатлари фонд томонидан қонунчиликка мувофиқ кафолатланган.

ORGANIZATION REALIZES SO STOCKS IN TASHKENT AND NAZKABE. КАБЕЛЬ СИЛОВОЙ АВВГ 2х2, 5 - 4х240 ААШВ; АСБ; 3х95-3х240. ЛАМПЫ СВЕТИЛЬНИКИ ЭЛЕКТРОДВИГАТЕЛИ СЧЕТЧИКИ ЭЛЕКТРОЭНЕРГИИ ДИЗЕЛЬ-ЭЛЕКТРОСТАНЦИИ

INTER-PRESS-2008 ОБУНАЧИ УЧУН ДИСКОНТ

«ИНТЕР-ПРЕСС» обуна агентлиги ва «Экономическое обозрение» журналининг қўшма акцияси Улла-Стритдаги уйдаворлар тактикасини эслатади. Фақат акциялар ва облигациялар ўрнига маҳаллий бизнес учун ҳақиқатан қадри бўлган қўғозлар — «Экономическое обозрение» журнали гаровга қўйилган. Келаси йилда айна унга обуна қийматининг пасайиши Ўзбекистон амалий наشرлари муҳитида шов-шувга сабабчи бўлди.

Маълумки, фонд бозоридоги брокерлар курашда фойдаланганидан тактикасига кўра фарқланади. «Буқалар» рағиб қийматли қўғозлар пойғасида холдан тойғунча нархни оширади, «айқилар» эса, аксинча, айна шу маҳсулотта етишиш мумкинлиги ҳақида тасаввур ҳосил қилиб, нархни туширади. Янги мавсумда ойначиларни имкони борича кўпроқ жалб этиш обуна компанияси ва журнал ҳамкорлигининг мақсадирид.

Бугунги кунда «Экономическое обозрение» республикадаги энг оммабоп амалий наشرларининг йигирмалигидан ўрин олган. Бош директор ўринбосари Юлий Клебевнинг сўзларига кўра, «ИНТЕР-ПРЕСС» АА «мижоз ва унинг танловига таъсир ўтказиш»га интилмақда, 2008 йилда эса журналга обуна қиймати олтига сон учун 7 000 сўмгача пасайтирилади. Шунини алоҳида қайта этиш лозимки, бу нарсга компаниянинг маҳаллий наشرларни қўллаб-қувватлашга доир илк қадами эмас. Нархлар ошичи бораётган бир шартда АА «Иқтисодий ва ҳуқуқ дўниси» наширёт уйининг наشرларига обуна қиймати савданишини илгари ҳам эълон қилган. «Экономическое обозрение»га обуна қиймати эса йигирма фоиздан кўпроқ пасайтирилган.

Пойтахт ва Тошкент вилоятидаги босма маҳсулотларнинг етакчи улғуржи ва чакана дистрибуторининг ишбилармонлиги ва инновациялари амалда бозорга кириб келганидан буён намоян бўлади, компания мижозлари уни муносиб баҳолашга улғурдилар. Бугунга келиб эса «ИНТЕР-ПРЕСС» ААга ҳар йили нашр этиладиган фирманинг «Россия ва хорижий матбуот каталоги»дан тортиб компаниянинг мамлакатимиз амалий тусдаги даврий наشرлари энг сара маҳсулотларини маркетинг жиҳатидан илгари суришда иштирок этиши вазиятини яратишгача — бизнесни ташкил этишдаги новаторлик ва ностандарт ёндашув хослиги ҳақида тасаввур ҳосил бўлган.

«ХИМОЯ» ХУҚУҚИЙ МАРКАЗИ АДВОКАТЛИК ФИРМАСИ. «ХИМОЯ» ҲАҚАМЛИК СУДИ. Тўлов натижалар бўйича.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки жамоаси Кредит уюмчалари, ломбардлар ва микрокредит ташкилотлари фаолиятини ҳамда кичик бизнесни молиявий қўллаб-қувватлашни мувофиқлаштириш департаменти директори ўринбосари Шухрат Каримовга отаси Шавкат КАРИМОВнинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор қилади. Тошкент шаҳар ҳокимлиги Инвестиция департаменти жамоаси департамент бош ҳисобисчи Утқуржон Мунинжонович АХМАДЖОНОВнинг вафот этганини муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Кредиторлар диққатига! «Экватор таъмир қурилиш-монтаж» шўъба қорхонаси. СТИР 200705549, ҳуқуқий манзили: Қашқадарё вилояти, Шахрисабз тумани, Хўжақишлоқ қишлоғи, Қашқадарё вилояти хўжалик судининг 18-0707/14350-сонли иши бўйича 2007 йил 7 ДЕКАБРЬ КУНИ КАБУЛ ҚИЛГАН ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ БИЛАН БАНКРОТ ДЕБ ТОПИЛГАН ВА ҚАРЗДОР ҚОРХОНАГА НИСБАТАН ТУГАТИШГА ДОИР ИШ ЮРИТИШ БОШЛАНГАН.

Кредиторлар диққатига! «Шахрисабз туманлараро материал-техника таъминоти» ОХЖ. СТИР 200706776, ҳуқуқий манзили: Қашқадарё вилояти, Шахрисабз ш., Ўзбек к., 13-уй, Қашқадарё вилояти хўжалик судининг 18-0701/13537-сонли иши бўйича 2007 йил 4 ДЕКАБРЬ КУНИ КАБУЛ ҚИЛГАН ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ БИЛАН БАНКРОТ ДЕБ ТОПИЛГАН ВА ҚАРЗДОР ҚОРХОНАГА НИСБАТАН ТУГАТИШГА ДОИР ИШ ЮРИТИШ БОШЛАНГАН.

ГАЗ РУСУМЛИ АВТОМОБИЛЛАР. Ўзбекистондаги расмий эксклюзив дистрибутор AVTODOM PLUS. КРЕДИТ ВА ЛИЗИНГГА. ГАЗ-3221, Микроавтобус, 13,15 ўриндиқли. ГАЗ-31105, «ВОЛГА». ГАЗ-33023 «Фермер», юк кўтариши — 1,5 тн., 6 ўриндиқли. «ОМСКИНА» ОАЖ АВТОШИНАЛАРИ ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРЛАРИ СОТИЛАДИ. ГАЗ-3307 Автовакуатор. ГАЗ-3302, нон ташийдиган, лотоклар сони — 112 та, 3 ўриндиқли.

Спорт Sport Спорт Sport Спорт



Жиззахда кураш бўйича Республика кубоги беллашувлари якунланди. Кубок мусобақаларининг шиддатли ўтишини мутахассислар олдиндан башорат қилишганди. Буни улар полвонларнинг йил бўйи турли мусобақаларда қатнашиб тобланганликлари, ҳозир айни спорт формасида эканликлари билан изоҳлашди. Қолаверса, жамоавлар таркибига илк бор аёллар, қизлар киритилди.

ОСИЁ КУБОГИДАГИ ОЛТИН МЕДАЛЛАР

Суриянинг Дамашк шаҳрида оғир атлетика бўйича Осиё кубоги мусобақалари ўтказилди.

Унда китъанинг 20 га яқин мамлакатидан келган спортчилар иштирок этди. Кубок беллашувларида беш нафар ҳамюртимиз Ватанимиз шарафини ҳумо қилди. Мухими, уларнинг барчаси совриндорлар сафидан жой олашди.

Жумладан, Руслан Алпанов (62 килограмм) ва Мансур Чашимов (85 килограмм) ўз вазн тоифаларида олтин медалларни қўлга киритишди. Субҳон Қобулова (69 килограмм), Шерзод Юсупов (77 килограмм) ҳамда Иван Ефремов (94 килограмм) эса иккинчи ўринни эгаллашди. Умумжамоа ҳисобида Сурия, Эрон ва Ўзбекистон оғир атлетикачилари кучли ўлчиқни ташкил этди.

— Эндиги асосий мақсадимиз 2008 йилнинг апрель ойида Японияда ўтказиладиган Осиё чемпионатида муваффақиятли иштирок этиш, — дейди Ўзбекистон оғир атлетика федерацияси бош қотиби Шахрулла Маҳмудов. — Ушбу чемпионатда Пекин Олимпиадаси учун йўлланмалар тақдирини ҳал бўлади. Уқув-ийгин машғулотларини мунтазам олиб боришга ҳаракат қилаёلمиз. Бу борада бизга республика Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда ҳомийимиз — Навоий кон-металлургия комбинати яқиндан ёрдам бераётти.

БИЛЛУР СОВРИН — ТОШКЕНТ ПОЛВОНЛАРИДА

Водий вилоятлари курашчилари ва мусобақада иккита таркиб билан қатнашган майдон эгалари — Жиззах вилояти полвонларининг турнирни чорак финалдаёқ тарк этишга мажбур бўлишгани мусобақаларининг мурасасиз ўтганини курсатиб турибди.

Ярим финалда Тошкент шаҳри жамоаси Бухоро вилояти курашчиларига, самарқандликлар эса Қашқадарё вилояти полвонларига қарши майдонга тушдилар. Биринчи жуфтликда пойтахтликлар ғолиб чиққан бўлса, иккинчи жуфтликда ғалаба ўтган йилги кубок соҳиби — Самарқанд вилояти жамоаси томонида бўлди.

Финалда кубок беллашувларида келган полвонлар ва мураббийлар, зални тўлдириб ўтирган томошабинлар 13 та рақиб жуфтликнинг чиқишини мириқиб кузатишди, полвонлар маҳоратларини тинмай оқшираб туришди. Буни қарантки, энг охири жуфтликкача кубок кимга насиб этиши номаълум бўлиб турди. Таблода 6:6 ҳисоби қайд этилган пайтда майдонга тушган самарқандлик М. Рўзиева ҳамда Тошкент шаҳри жамоаси вакили С. Холиқованинг ҳолатини тасаввур этиш қийин эмас. Ва нихоят, қизгин курашда очколар ҳисоби билан тошкентлик С. Холиқова ғолиб чиқиб, жамоадошларининг биллур соврин эгаси бўлишларини таъминлади.

Ғолиб ва совриндорлар, муҳлислар эътиборига сазовор курашчилар вилоят ҳокимлиги, ҳомийларнинг эсдалик совғалари билан тақдирланишди.

Б. САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«ПАХТАКОР» ЁШЛАРИ «СОРРА CARNEVALE»ДА

Италияда анъанавий тарзда ўтадиган «Sorra Carnevale» халқаро турнирига қўрға ташлаш маросими бўлиб ўтди.

Унга кўра, Тошкентнинг «Пахтакор» жамоаси ёшлари 12-гуруҳда Италия «Д» серияси вакиллари «Лацио» ҳамда «Новара» клублари билан тўп сурадиған бўлди. Мусобақада МДХ мамлакатларидан «Спартак» (Москва) ва «Шахтёр» (Донецк) жамоалари ёш футболчилари ҳам иштирок этди.

Олтмишинчи бор ташкиллаштирилаётган турнир Италиянинг Виареджио шаҳрида келгуси йилнинг 28 январь — 11 февраль кунлари ўтказилади.

Қуни кеча Халқаро футбол федерацияси — ФИФА аёллар терма жамоаларининг янги рейтингини эълон қилди, деб хабар беради UFF матбуот хизмати.

ФИФА РЕЙТИНГИ

Рейтингда Ўзбекистон аёллар терма жамоаси 49-ўринда қайд этилган. Амалдаги жаҳон чемпиони Германия терма жамоаси биринчи ўринда бормоқда.

Эслатиб ўтамиз, навбатдаги рейтинг 2008 йилнинг 21 мартини эълон қилинади.

З. ЖОНИБЕКОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



«Norma Hamkor» МЧЖ — электрон маълумот тизимларини ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш бозоридagi пешқадам компаниялардан бўлиб, юридик шахсларни Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Наманган, Бухоро, Сурхондарё, Хоразм вилоятларида вакиллик фаолиятини бажариш учун ҳамкорликка таклиф этади.

Вакил дастурий маҳсулотларни сотиш ва кейинчалик кузатиб бориш (ўрнатиш, бир фойдаланувчи ва тармоқда компьютер дастурларини янгилаш, фойдаланувчиларни дастурий маҳсулотлар билан ишлашга ўргатиш ва шу қабилар) соҳасида малакаларга эга бўлиши лозим.

Танловда дастурий таъминот, интернет лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва жорий этишга, компьютер техникасини сотишга ихтисослашган ТАШКИЛОТЛАР, шунингдек, юридик ва аудиторлик фирмалари, суғурта компаниялари ва шу билан бирга, ахборот-хуқуқий, маълумотнома, қидирув ҳамда бошқа тизимлардан узоқ ва фаол равишда фойдаланиб келаётганлар афзалликка эга бўладилар.

Тақлифларни кўриб чиқиш учун Сизнинг ташкилотингиз фаолияти йўналишлари: дастурий лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва уларни жорий этиш натижалари (фойдаланувчиларнинг манзиллари ва мулоҳазалари кўрсатилган ҳолда келтириш мақсада мувофиқ) ҳамда электрон дастурлар билан иш тажрибаси тавсифи ҳақида электрон резюме тайёрлаш лозим.

«Norma Hamkor» МЧЖ дирекцияси. Манзил: Ўзбекистон Республикаси, 100000, Тошкент шаҳри, Ҳамид Олимжон майдони, 10-«А». Тел.: (+99871) 137-07-78. Факс: (+99871) 137-45-29. E-mail: info@norma.uz Web: www.norma.uz

«Крокус Газ Сервис» ҚК

«Газевэйс» ЁАЖ ва «Сигнал» ЭАБнинг Ўзбекистон хулуқидagi расмий вакили бўлиб, турли русум ва катталиккага қозонларни таклиф этади:

- горелка ўрнатилган, газда ишлайдиган иситиш ва сув иситиш қозонлари (200 кВт ва 400 кВт);
• буғ қозонлари (соатига 500 кг.дан 4000 кг.гача);
• икки йўналишли (каналли) сув иситиш қозонлари (100 кВт ва 200 кВт);
• ерга ўрнатиладиган, иссиқликни алмаштирувчи найсимон қозонлар (7 кВт дан 16 кВт гача);
• ерга ўрнатиладиган, иссиқликни алмаштирувчи пластинкасимон қозонлар (20 кВт дан 100 кВт гача);
• ерга ўрнатиладиган, иссиқликни алмаштирувчи икки контурли пластинкасимон қозонлар (10 кВт дан 40 кВт гача).

Қозонлар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатиға эга. Барча қозонлар учун кафолат — 24 ой.

Кўргазмалар ва сервис марказлари манзиллари:

- 1. Тошкент ш., «Миробод» (собиқ «Госпитал») бозори, саноат моллари қаторида жойлашган 1-дўкон. Тел.: 306-40-39, 133-44-73.
2. Тошкент ш., С. Азимов ва «Ўзбекистон овози» кўчалари кесишган жойда (Мўлжал: Шастри хайкали, эски ҳайвонот боғи). Тел./факс: 132-21-22, 176-77-34.

Кўкаламзорлаштириш

КЎЧАТХОНА ПУЛ ЎТКАЗИШ ЙЎЛИ БИЛАН

манзарали, игнабаргли, япроқли дарахт ва буталар — қарағайлар, арчалар, қора арча, туя дарахтлари, юккалар, каштанлар, толлар, шамшод, бересклет, хинд сирени, Сурия атиргулини сотади.

Офис ва киши боғ учун пальмалар: хурмо, трахикарпус, вашиingtonия.

Мева берувчи апельсин, мандарин, лимон дарахтлари.

Кўкаламзорлаштириш, ландшафт дизайни.



Манзил: 100187, Тошкент ш., Мирзо Улуғбек тумани, Курбонов к., 91-уй. 16, 89-автобусларнинг «Автомўлмебаза» бекати. Мўлжал — масжид. Телефон: 266-88-68. Уяли телефон: 317-33-45, 387-16-57.

«Халқ сўзи»га

ЭЪЛОНЛАР КАБУЛ ҚИЛИНАДИ. 9.00 дан 18.00 гача 136-09-25 132-10-63 242-хона

Янги! АКЦИЯ! 1112

БИТТАСИНИНГ НАРХИДА ИККИТА ТЕЛЕФОН!


Келаятган Янги йилнинг билан!

Барча маълумотлар компания офисларида. Телефонлар сони ЧЕКЛАНГАН!



Тел.: (8598) 305-1111 www.cdma.uz

Расмий ҳамкор:



Маълумотлар сертификатланган. Қозонлар лицензиясиз эга.

Халқ сўзи Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1157. 23787 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қозғоз бичими А—2

Газета таҳририят компьютер марказида термалди ҳамда операторлар Жамшед Тоғиев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Тижорат материал

• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — А. Орпнов. Навбатчи муҳаррир — М. Ҳолиматова. Навбатчи — Ш. Ортиқов. Мусоҳҳах — Ҳ. Тошҳўжаев.

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

ТЕЛЕФОНЛАР: Газетхоналар билан алоқа ва минақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 1.30 Топширилди — 2.40 1 2 3 4 5 6 7